

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

УРОКОВ КАМОЛИДДИН ХУДАЙБЕРДИЕВИЧ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҚОРАМОЛЛАР
ФАСЦИОЛЁЗИ ВА ДИКРОЦЕЛИОЗИНИ ЭХИНОКОККОЗ
БИЛАН АРАЛАШ КЕЧИШИ

03.00.06 – Зоология

Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2022

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Уроков Камолитдин Худайбердиевич

Самарқанд вилояти шаронтида қорамоллар фасциолёзи
ва дикроцелиозини эхинококкоз билан аралаш кечиши..... 5

Уроков Камолитдин Худайбердиевич

Смешанное течение фасциолёза и дикроцелиоза крупного рогатого
скота с эхинококкозом в Самаркандской области..... 21

Urokov Kamoliddin Khudayberdievich

Mixed course of fasciolesis and dicroceliosis of cattle with echinococcosis
in Samarkand region 39

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42



САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

УРОКОВ КАМОЛИДДИН ХУДАЙБЕРДИЕВИЧ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҚОРАМОЛЛАР
ФАСЦИОЛЁЗИ ВА ДИКРОЦЕЛИОЗИНИ ЭХИНОКОККОЗ
БИЛАН АРАЛАШ КЕЧИШИ

03.00.06 - Зоология

Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Samarkand - 2022
resurs markazi
a-14291

к

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузурдаги **Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/V9** рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samvmi.uz) ҳамда «ZiyoNet.uz» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	Димитрий Асадулло Сувонович Ветеринария фаълари доктори, профессор
Расмий олоноентлар:	Юлдашев Нурбек Эргашович ветеринария фаълари доктори, катта илмий ходим Авезимбетов Шавкат Досумбетович ветеринария фаълари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ветеринария илмий-тадкикот институти

Диссертация химояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019 V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» 01 снат «14» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кучаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86; e-mail: samvmi@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (111 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кучаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86; Fax: +998662347686)

Диссертация автореферати 2022 йил «21» 01 куни тарқатилди.
(2022 йил «21» 01 даги № 10 - рақамли ресетр бюенномаси)



Х.Б. Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

Ш.Х. Курбанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.н., доцент

Ш.Н. Норбиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қoшидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда қорамолчилик чорвачилик тармоғининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳани янада ривожлантириш, қорамоллар бош сонини кўпайтириш, юқори маҳсулдорликка эришишда асосий тўсиқ бўладиган омиллардан бири улар орасида учрайдиган турли юкумли, юкумсиз ва инвазион касалликлардир. Жумладан, *Fasciola hepatica*, *Fasciola gigantica* томонидан қўзғатиладиган фасциолёз ва *Exinococcus larva* томонидан чакириладиган эхинококкоз ҳозирги кунда муҳим эпизоотологик ва эпидемиологик аҳамиятга эга бўлиб, ушбу касалликларга чалинган ҳайвонларда гушт, сут маҳсулотлари миқдори ва сифатининг пасайиши оқибатида қорамолчилик хўжаликларига катта иқтисодий зарар етказилади. «Фасциолёзга чалинган ҳар бир соғин сигирда сут маҳсулдорлиги ўртача 20-30 фоиз камайиши, бола ташлаш, бoshқа касалликларга чидамлилиги пасайиши, куйга келиш муддатининг кечикиш ҳолатлари кузатилади»¹. Австралия халқаро кишлоқ хўжалиги ҳайвонлари соғлигини ҳимоя қилиш маркази (ACIAR) маълумотларига кўра «Фасциолёз юқори даражада учрайдиган ҳудудларда 30 фоизгача иқтисодий зарар қўрилиб, эркак ҳайвонларнинг бир бошига 109, сигирларда эса 80 АҚШ долларни ташкил қилади»². Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда инсон саломатлигига хавф тугдирадиган ва қорамоллар маҳсулдорлигини кескин пасайтирадиган қўлпаб гельминтозларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир.

Дунё миқёсида кишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида учрайдиган инвазион касалликларнинг эпизоотик ҳолати, ҳайвон организмдаги ўзгаришлар, клиник белгилар, даволаш ҳамда олдини олиш бўйича қўлпаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада қорамоллар орасида кенг тарқалган гельминтозларга эртачи ташхис қўйиш, уларни олдини олиш борасида олиб борилаётган тадқиқотларга катта эътибор қаратишмоқда. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, қорамолларда гельминтозлар қўзғатувчиларининг тарқалиши, систематикадаги ўрни, ҳар бир касалликнинг биоэкологик хусусиятлари ҳамда илмий асосланган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамызда мустақиллик йилларидан бошлаб қорамолчиликни ривожлантиришга старлича эътибор берилмоқда. Бунда қорамоллардан олинадиган сифатли ҳамда экологик тоза сут ва гушт маҳсулотларини етказиб бериш жуда долзарбдир. Шу сабабли қорамолларда учрайдиган гельминтозларни турли биоэкологик шаронгта тарқалиши, касалликни даволаш ва олдини олишда замонавий усул ва воситалардан кенгрок фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

¹ Салимов Б.С., Даминов А.С., Қурбанов Ш.Х., Ибрагулова Э.Х. Кишлоқ хўжалик ҳайвонларининг юқор тармақдорлари, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари (тавсиянома). Тошкент, 2009. –Б. 7.

² Beveridge R.B. Resier Veterinary parasitology in Australia - A short history. - Issues 3-4. Australia, 2013. -P. 218-222.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»³, 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш туғрисида»ги ва 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари туғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ ҳужалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорамоллар трематодозлари ва цестодозларининг эпизоотологик ҳолати, кечиши, уларни даволаш, олдини олиш ва қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича катор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, хорижлик олимлардан А.Ватсх, Р.З.Бенеден, Р.Леускарт, Р.Л.Котбал, К.И.Скрябин, А.М.Атаев, Р.Е.Сафиуллин, Э.И.Рехвиашвилли, А.И.Ятусевич, Н.Т.Сорокина, П.С.Павлас ва бошқалар, Ўзбекистонлик олимлардан И.Х.Иргашев, Д.А.Азимов, Ш.А.Азимов, Б.С.Салимов, М.А.Аминжанов, А.О.Орипов, Ш.М.Рузиев, А.А.Нуруллаев, Э.Б.Шакарбоев, Ш.А.Джаббаров, Ш.Д.Авезимбетов, А.С.Даминов, Н.Э.Юлдашов, Ш.М.Аминжанов, Ш.Х.Қурбонов, М.Э.Ғойипова ва бошқалар томонидан фаунистик мажмуаларда гельминтларнинг тарқалиши, паразитоценотик муносабати, экологияси, тур хилма-хиллиги, гельминтозларининг эпизоотологияси ва уларда кул учрайдиган доминант кузгатувчилар таракқиётини ўрганиш бўйича кенг камровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо, Самарқанд вилоятининг биоценозларида бокиладиган қорамоллар орасида фасциолёз, дикроцелиоз ва эхинококкозларни тарқатиши, уларни оғир кечиш сабаблари ва биоэкологик аҳамияти, кузгатувчилар ўртасидаги паразитоценотик муносабатлар, касалликни олдини олиш чораларини ўрганиш бўйича етарлича тадқиқотлар амалга оширилмаган. Шу сабабли, қорамоллар фасциолёзи ва дикроцелиозини эхинококкоз билан аралаш ҳолда кечишини тадқиқ қилиш ҳамда ушбу касалликларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»ги Фармони.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Самарқанд ветеринария медицинаси институти)да №КХА-9-011-2015 «Ўзбекистон шароитида йирик ва майда шохли ҳайвонларнинг ичак цестодозларини диагностика қилиш, даволаш ва уларга қарши кураш усулларини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа ҳамда хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Самарқанд вилоятининг суғориладиган ва тоғолди-тоғ ҳудудларида қорамолларнинг жигар трематодалари (*Fasciola hepatica*, *Fasciola gigantica*, *Dicrocoelium dendriticum*)нинг эпизоотологик ҳолати ва уларнинг эхинококкоз (*Echinococcus larva*) билан аралаш кечишини, паразитоценотик муносабатларини очиб бериш ҳамда уларга қарши профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Самарқанд вилояти шароитида қорамолларнинг паренхиматоз органларида учрайдиган фасциолёз, дикроцелиоз ва эхинококкознинг эпизоотологик ҳолати, инвазия экстенсивлиги ва интенсивлигининг мавсумий динамикасини аниқлаш;

Фасциолёз, дикроцелиоз ва эхинококкозга ҳос паразитоценотик ҳолатни ўрганиш ва улар орасида доминант кўзгатувчиларнинг турини аниқлаш;

Lymnaea авлодига мансуб моллюсканинг *Fasciola hepatica* тараққиётига таъсир этувчи биозкологик омилларни ўрганиш;

Қорамоллар фасциолёзи, дикроцелиози ва эхинококкозини даволаш ва олдини олишда замонвий антгельминтик препаратларни самарадорлигини аниқлаш;

Қорамолларнинг фасциолёз, дикроцелиоз ва эхинококкозини олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятининг шахсий ёрдамчи ва деҳқон фермер хўжаликларидаги фасциолёз, дикроцелиоз ва эхинококкозга чалинган қорамоллар ҳамда сувда ва қуруқликда яшовчи моллюскалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб фасциолёз, дикроцелиоз ва эхинококкоз билан зарарланган қорамолларнинг паренхиматоз аъзолари жигар, упка, улардан йиғилган фасциолалар, дикроцелиялар, эхинококк пуфаклари, тезак намуналари, адолескарийлар, метацеркарийлар, антгельминтик препаратлар хизмат қилган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда эпизоотологик, клиник, малакологик, морфологик, гельминтологик, патологоанатомик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли ёшдаги қорамолларда фасциолёз, дикроцелиоз ва эхинококкознинг кечишини, тарқалиши йилнинг фаслларига, биозкологик омилларга ва ҳудуднинг географик-иқлим шароитига бевосита боғлиқлиги, эпизоотологик ҳолати ва мавсумий динамикаси аниқланган;

Fasciola hepatica ning biologik tarakkiёtida *Lymnaea thiesseae* mollюскасининг иштирок этиши илк бор аниқланган;

Самарканд вилояти шароитида илк бор қорамолларнинг жигар трематодозларини эхинококкоз билан аралаш кечиши аниқланган;

фасциолёзга носоглом ҳудудларда сурункали фасциолёзга қарши «Альбендазолли» антгельминтикларни, ўтқир фасциолёзга қарши эса «Бронтел 10%» ёки «Роленол» препарати қўлланилганда юкори самара бериши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

Самарканд вилоятининг турли биоценозларида *F. hepatica*, *F. gigantica* *Exinococcus larva* қорамолларнинг асосий гельминтозлари эканлиги ва уларнинг тараккиётида оралик хўжайин сифатида *Lymnaea* авлодига мансуб моллюскалар муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди;

қорамолларнинг трематодозларига қарши даволаш-профилактика чора-тадбирлари, уларнинг мақбул муддатлари, мавсумий динамикаси ва уларнинг тараккиётига экологик омилларнинг таъсири аниқланган;

қорамолларнинг жигар трематодозлари билан эхинококкоз ўртасидаги паразитоценотик муносабат аниқланган;

тадқиқот натижалари бўйича илмий асосланган тавсиянома ишлаб чиқилиб амалиётга тавсия этилган;

қорамоллар фасциолёзи, дикроцелиози ва эхинококкозини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган ва амалиётга қўллаш учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги текширишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, маълумотларга ишлов берилп ва амалий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар натижалари билан чуқур илмий таҳлил этилганлиги, мутахассислар томонидан илмий тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий ишлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вилоятнинг турли биоценозлари шароитида *Fasciola hepatica* ning тараккиёт жараёнида *Lymnaea thiesseae* моллюскасини ўрни бўйича илмий далиллар қўламининг кенгайганлиги, Самарканд вилояти шароитида қорамолларнинг жигар трематодозлари ва эхинококкозининг тарқалиши, уларнинг ўзаро паразитоценотик муносабатларини ҳамда мавсумий динамикаси очиб берилганлиги, тиббиёт ва ветеринариядаги аҳамияти аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тажриба натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар асосида қорамолларда фасциолёз, дикроцелиоз ва эхинококкозларнинг эпизоотологик хусусиятлари, аралаш ҳолда кечиши, мавсумий динамикаси, уларни даволаш ва олдини олишда антгельминтик препаратларни қўллашнинг мақбул муддатлари ишлаб чиқилганлиги, уларнинг самарадорлиги ҳамда ветеринария

амалиётига жорий қилиниши натижасида ишлаб чиқаришга илмий асосланган тавсиялар берилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд вилояти шароитида қорамоллар фасциолёзи ва дикроцелиозини эхинококкоз билан аралаш кечиши бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Қишлоқ хўжалик хайвонларининг жигар трематодозлари, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича тавсиянома», «Самарқанд ва Навоий вилоятлари хўжаликларида қорамоллар парамфистоматозини даволаш ва олдини олиш бўйича ветеринария тадбирлари» ва «Қишлоқ хўжалик хайвонлари фасциолёзи ва уларнинг оралиқ хўжайинларининг биологияси ва экологиясига оид тавсиялар» тасдиқланган ва ветеринария амалиётига жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йили 25 октябрдаги №02/23-345-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни қўлланилиши эвазига қорамолларни трематодозлар билан зарарланишининг олдини олиш ва уларга ўз вақтида қарши курашиш имконияти яратилган;

қорамолларнинг сурункали фасциолёзида альбсндазол таркибли препаратларни (албенол-100, броватриол, левазол болюс) йўриқномасида белгиланган миқдорларда оғиз орқали қўллаш жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йили 25 октябрдаги №02/23-345-сонли маълумотномаси). Натижада қўлланилган препаратлар сурункали фасциолёзни даволашда юқори, ўткир фасциолёзда эса қисман самара бериши аниқланган;

қорамолларнинг ўткир фасциолёзига қарши бир йилда икки марта «Роленол» ва «Бронтел 10%» препаратларини қорамолнинг ҳар 10 кг тирик вазнига 0,5 мл миқдорда (мушкул орасига ёки тери остига) қўллаш жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йили 25 октябрдаги №02/23-345-сонли маълумотномаси). Натижада қорамоллар фасциолёзида ушбу препаратларнинг самарадорлиги юқори эканлиги аниқланиб, сарфланган бир сўмга, харажатлар қоплами 49,10 сўмни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 10 та, жумладан 3 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, жумладан 4 та Республика ва 4 та хорижий журналларида нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та монография ва 3 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб. хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурляти. Мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги, тадқиқотнинг максади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предметлари, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «Самарқанд вилояти шароитида қорамоллар фасциолёзи ва дикроцелиозини эхинококкоз билан аралаш кечишига оид адабиётлар маълумотларининг таҳлили» деб номланган биринчи бобда қорамоллар жигар трематодозларининг *Fasciola hepatica*, *Fasciola gigantica*, ва *Dicrocoelium dendriticum* турлари ҳамда эхинококкоз кўзгатувчиси *Exinococcus larva* ларнинг тарқалиши, эпизоотологик ҳолатига тегишли адабиёт маълумотлари келтирилган, шу асосида таҳлил қилинган. Муаллифларнинг маълумотлари таҳлил қилинганда, ҳозирги кунгача Самарқанд вилояти шароитида боқиладиган қорамоллар орасида фасциолёз, дикроцелиоз ва эхинококкозларнинг тарқалиши даражаси, уларнинг оғир кечил сабаблари ҳамда биоэкологик аҳамияти, кўзгатувчиларининг ўртасидаги паразитоценотик муносабатларни, ушбу касалликларни олдини олиш бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилмаганлигини қўриш мумкин. Бизлар томонимиздан илк бор аралаш инвазия-фасциолёз, дикроцелиоз ва эхинококкозларга хос паразитоценотик ҳолат, *Lymnaea* авлодида мансуб моллюскаларнинг *Fasciola hepatica* нинг тараккиёт жараёнларига таъсир этувчи биоэкологик омиллари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Самарқанд вилоятининг сўғориладиган ва тоғолди-тоғ биоценозларида қорамоллар фасциолёзи, дикроцелиози ва эхинококкозининг эпизоотологик ҳолати» деб номланган иккинчи бобда Самарқанд вилояти туманларининг жойлашиш ҳудудига кўра 2 та биоценозларда боқилган қорамоллар нобуд бўлганда ёки мажбурий сўйилганда уларнинг жигари билан ўт халтаси (К.И. Скрябиннинг тулик гельминтологик ёриш (ТГЁ) усули орқали олинган) алоҳида идишга олиниб, жигар бўлақларга бўлинади (1-расм) ва илик сувга солиниб, яхшилаб қўлда сиқиш йўли билан вояга етган фасциолалар ажратиб олинади, сўнг катта жигар бўлақлари майда кубсимон шаклда майдаланиб ёш фасциоллар ажратиб олинади, идишдаги суюқлик петри косачаларига оз-оздан қўйилиб ичидаги фасциолалар ажратиб олинади ва чизгич ёрдамида ўлчамлари ўлчанади. Ёш *F. hepatica* нинг бўйи 1,0 мм дан 18,0-19,0 мм гача, *F. gigantica* ёш шакллариининг бўйи 1,0 мм дан 28-29,0 мм гача, ранги оқ, сутсимон. Уларнинг бачадонларида тухумлар шаклланмаган ёки етилмаган. Етилган *F. hepatica* 20-40 мм узунликда, баргсимон шаклга эга, *F. gigantica* эса 30-70 мм узунликка эга, тана шакли узунчок.



1-расм. Фасциолёзга чалинган қорамоллар жигари ва ундаги патологик узгаришлар

Тадқиқотларимизда Самарқанд вилоятининг сугориладиган биоценозлари 8 та (Пайарик, Иштихон, Жомбой, Окдарё, Булунгур, Пастдаргом, Каттақўрғон, Нарпай) ва тоғолди-тоғ биоценозлари 2 та (Ургут, Тайлоқ) туманга ажратиб олиниб, турли касалликлар натижасида нобуд бўлган ёки мажбурий сўйилган қорамолларда фасциолёз, дикроцелиоз ҳамда жигар эхинококкозига чалинган даражаси бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, олинган маълумотлар таҳлил қилинди (1-жадвал).

Самарқанд вилоятининг сугориладиган текислик биоценозларидаги туманларда боқиладиган 365 бош қорамол ва тоғолди-тоғ биоценозларидаги туманларда боқиладиган аҳоли қўлидаги 82 бош қорамолларни ТГЁ усули орқали текширдик. Текшириш натижаларимиз таҳлили бўйича сугориладиган биоценозлардаги жами текширилган қорамолларнинг 356 бошида ёки 79,6% ининг жигарида *Fasciola hepatica*, 271 бошида ёки 60,6% да *Fasciola gigantica* нинг турли ёшдаги нусхалари топилди. Бундан ташқари жигар ва ут йўлларида *Fasciola* лар билан биргаликда яшовчи *Dicrocoelium dendriticum* 416 бошида ёки 93,1% и ут халтаси ва ут йўлларида учраган. Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида 108 бош эхинококкозга чалинган қорамолларнинг жигарида турли ҳажмдаги эхинококк пуфақлари топилган бўлиб, эхинококкозга тоғолди-тоғ минтақаларида боқилган 19 бош қорамолларда, сугориладиган биоценозларда боқилган қорамолларнинг 89 бошининг паренхиматоз органларида *Echinococcus granulosus (larva)* топилди.

Топилган *Echinococcus granulosus (larva)* турли катталиктаги ҳажмда бўлиб улар ёнғоқ донасидаги тортиб ёш боланинг бошидан ҳам каттароқ (58 см) ҳажмда кузатилди.

Қорамолларнинг ёшига кўра фасциолаларни ивазия интенсивлигини (ИИ) таҳлил этганимизда сугориладиган биоценозлардаги эхинококкоздан ҳоли 276 бош қорамолнинг жигаридан: 1 ёшгача бўлганларининг 12 бошида, 1 ёшдан 2

ёшгача булганларининг 63 бошида, 2 ёшдан 3 ёшгача булганларининг 84 бошида, 3 ёшдан катта булган қорамолларнинг 117 бошида фасциолалар топилган бўлиб, тоғолди-тоғ биоценозларида боқилган қорамолларнинг жигаридан, ўз навбатида, юқоридаги ёшга кўра мос равишда 0; 10; 25; 28 бошида фасциоланинг ҳар иккала тури топилди (2-жадвал).

I-жадвал

Сугориладиган ва тоғолди-тоғ биоценозларда нобуд бўлган ва мажбурий сўйилган қорамолларда фасциолёз, дикроцелиоз ҳамда жигар эхинококкозига чалғиниш даражаси (ТГЁ)

Текширилган туманлар	Текирилган қорамол сон	<i>Fasciola gigantica</i>		<i>Fasciola hepatica</i>		<i>Dicrocoelium dendriticum</i>		<i>Exinococcus larva</i>		
		ИЭ		ИЭ		ИЭ		ИЭ		
		сонда	%	сонда	%	сонда	%	сонда	%	
Сугориладиган биоценоз										
1	Пайарик	65	59	90,8	56	86,2	60	92,3	17	26,2
2	Иштихон	59	51	86,4	50	84,7	58	98,3	17	28,8
3	Жомбой	42	30	71,4	33	78,6	40	95,2	10	23,8
4	Оқдарё	35	24	68,6	27	77,1	33	94,3	9	25,7
5	Булуңгур	28	15	53,6	21	75,0	24	85,7	7	25,0
6	Пастдаргом	35	17	48,6	24	68,6	33	94,3	10	28,6
7	Каттақурғон	71	34	47,9	48	67,6	66	93,0	14	19,7
8	Шарнай	30	11	36,7	22	73,3	23	76,7	5	16,7
	Жами:	365	241	66,0	281	77,0	337	92,3	89	24,4
Тоғолди-тоғ биоценоз										
1	Ургут	41	16	39,0	37	90,2	40	97,6	8	19,5
2	Тайлок	41	14	34,1	38	92,7	39	95,1	11	26,8
	Жами:	82	30	36,6	75	91,5	79	96,3	19	23,2
	Умумий:	447	271	60,6	356	79,6	416	93,1	108	24,2

Жигар паразитоценозида фасциолалар орасида патогенли хусусияти жиҳатидан *F.gigantica* ва *F.hepatica* нинг турли биоценозлардаги қорамолларда учраш ИИги фарқ килди, бунда сугориладиган биоценозлардаги қорамоллардан топилган фасциолаларнинг 72,2 фоизни *F.gigantica*, 27,8% ини *F.hepatica* ташкил қилган бўлса, тоғолди-тоғ биоценозларида боқилган қорамоллардаги териб олинган фасциолаларнинг 2295 нусхасини ёки 12,6% ини *F.gigantica*, 15931 нусхасини ёки 87,4% ини *F.hepatica* ташкил этди.

Эхинококкоздан ҳоли бўлган қорамоллардан топилган фасциолаларни ёшига кўра ИИ ни таҳлил қилганимизда, сугориладиган биоценозлардаги қорамоллардан териб олинган *F.gigantica* нинг 48,3% и ёш вояга етмаган фасциолалар, 51,7% ини вояга етган фасциолалар ташкил этди. *F.hepatica* эса ушбу биоценозда боқилган қорамоллар жигаридан жами 36310 нусха топилган

булиб, шундан ёшлари 12623 нусхани ёки 34,8% ини, 23687 нусхасини ёки 65,2% ини вояга етган фасциолалар ташкил этди. Тоғолди-тоғ биоценозларидан топилган *F. gigantica* нинг 31,2% и ёш вояга етмаган фасциолаларга, 68,8% и вояга етган фасциолаларга тўғри келди. *F. hepatica* да эса жами 15931 нусха топилган булиб, шундан ёшлари 2185 нусхани ёки 13,7% ини, 13746 нусхасини ёки 86,3% ини вояга етган фасциолалар ташкил этди. Вилоятнинг ҳар икки биоценозида бокиладиган қорамолларнинг эхинококкоздан ҳоли фасциолёзида *F. gigantica* нинг вояга етмаган ёшлари 46140 нусха (47,9 фоиз), вояга етганлари 50231 нусхани (52,1 фоиз) ташкил этди. *F. hepatica* нинг вояга етмаган ёшлари 14808 нусхани (28,3 фоиз), вояга етганлари 37433 нусхани (71,7 фоиз) ташкил этди.

2-жадвал

Сугориладиган ва тоғолди-тоғ биоценозларида фасциолёз ва эхинококкозининг хайвонлар ёшига қура эпизоотологик ҳолати (ТГЁ)

Текширилган қорамоллар		Барча <i>Fasciola</i> сон	<i>Fasciola gigantica</i>						<i>Fasciola hepatica</i>							
Ёши	Сони		Жами		Ёшлари		Вояга етганлари		Жами		Ёшлари		Вояга етганлари			
			сонда	%	сонда	%	сонда	%	сонда	%	сонда	%	сонда	%		
Сугориладиган биоценоз																
1 ёшдан	63	23610	18588	78,7	5864	31,5	12724	68,5	5022	21,3	683	13,6	4339	86,4		
2 ёшдан			84	25954	18601	71,7	9561	51,4	9040	48,6	7353	28,3	2014	27,4	5339	72,6
3 ёшдан катталар					117	78358	55704	71,1	29377	52,7	26327	47,3	22654	28,9	9587	42,3
Жами:	276	130386	94076	72,2	45425	48,3	48651	51,7	36310	27,8	12623	34,8	23687	65,2		
Тоғолди-тоғ биоценоз																
1 ёшдан	10	4825	602	12,5	216	35,9	386	64,1	4223	87,5	344	8,1	3879	91,9		
2 ёшдан			25	3441	287	8,3	4	1,4	283	98,6	3154	91,7	179	5,7	2975	94,3
3 ёшдан катталар					28	9960	1406	14,1	495	35,2	911	64,8	8554	85,9	1662	19,4
Жами:	63	18226	2295	12,6	715	31,2	1580	68,8	15931	87,4	2185	13,7	13746	86,3		
Умумий:	339	148612	96371	64,8	46140	47,9	50231	52,1	52241	35,2	14808	28,3	37433	71,7		

Эпизоотологик аҳамиятга эга бўлган фасциолёз ва эхинококкознинг паразитоценостик муносабатлардаги аҳамиятини аниқлаш мақсадида эхинококкозга чалинган қорамолларнинг ёшига қура фасциолаларни ИИни таҳлил қилдик. Сугориладиган биоценозлардаги қорамоллардан териб олинган *F. gigantica* нинг 10,6 % и ёш фасциолаларга, 89,4% и вояга етган фасциолаларга тўғри келди. *F. hepatica* эса жами 3777 нусха топилган булиб, шундан ёшлари 470 нусхани ёки 12,4% ини, 3307 нусхасини ёки 87,6% ини вояга етган фасциоллар ташкил этди. Тоғолди-тоғ биоценозлари боқилган қорамоллар жигаридан топилган *F. gigantica* нинг 1,2% и ёш вояга етмаган фасциолаларга, 98,8% и вояга етган паразитларга тўғри келиши аниқланди. *F. hepatica* эса, жами

4122 нусха топилган булиб, шундан ёшлари 421 нусхани ёки 10,2% ини, 3701 нусхасини ёки 88,7 % ини вояга етган фасциолалар ташкил қилди.

Сугориладиган биоценозлардаги 89 бош қорамолнинг 1 ёшгача булганларининг 1 бошида, 1 ёшдан 2 ёшгача булганларининг 6 бошида, 2 ёшдан 3 ёшгача булганларининг 13 бошида, 3 ёшдан катта булган қорамолларнинг 69 бошида жигар эхинококкози билан бир қаторда фасциолалар топилган булиб, тоғолди-тоғ биоценозларида боқилган қорамолларнинг уз навбатида юқоридаги ёшга кўра 0; 1; 2; 16 бошининг жигаридан *F.gigantica*, *F.hepatica* ва *Echinococcus granulosis (larva)* топилди.

Эхинококкознинг ларвалли шакли жигар тўқималари ва ўт йўлларида паразитлик килувчи фасциолаларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши ва у. паразитозеннозда муҳим ўрин тутиши, преимагиналли фасциолалар популяциясининг гомеостазини издан чиқариши аниқланди (3-жадвал).


3-жадвал

Сугориладиган ва тоғолди-тоғ биоценозларида фасциолёз ва эхинококкознинг ҳайвонлар ёшига кўра эпизоотологик ҳолати (ТГЕ)

Текширилган қорамоллар		Жами <i>Fasciola</i> сони	<i>Fasciola gigantica</i>						<i>Fasciola hepatica</i>					
Ёши	Сони		Жами		ёшлари		вояга етганлари		жами		ёшлари		вояга етганлари	
			сонда	%	сонда	%	сонда	%	сонда	%	сонда	%	сонда	%
Сугориладиган биоценоз														
1 ёшгача	1	350	166	41,0	101	60,8	65	39,2	184	45,4	128	69,6	56	30,4
1 ёшдан 2 ёшгача	6	1266	1103	87,1	148	13,4	955	86,6	163	12,9	17	10,4	146	89,6
2 ёшдан 3 ёшгача	13	947	647	68,3	42	6,5	605	93,5	300	31,7	9	3,0	291	97,0
3 ёшдан катталар	69	9925	6795	68,5	631	9,3	6164	90,7	3130	31,5	316	10,1	2814	89,9
Жами:	89	12488	8711	69,8	922	10,6	7789	89,4	3777	30,2	470	12,4	3307	87,6
Тоғолди-тоғ биоценози														
1 ёшдан 2 ёшгача	1	982							982	100,0	53	5,4	929	94,6
2 ёшдан 3 ёшгача	2	1635	346	21,2			346	100,0	1289	78,8	233	18,1	1056	81,9
3 ёшдан катталар	16	4460	2609	58,5	36	1,4	2573	98,6	1851	41,5	135	7,3	1716	92,7
Жами:	19	7077	2955	41,8	36	1,2	2919	98,8	4122	58,2	421	10,2	3701	89,8
Умумий:	108	19565	11666	59,6	958	8,2	10708	91,8	7899	40,4	891	11,3	7008	88,7

Диссертациянинг «*F.hepatica* нинг тарқалишида *Lymnaea truncatula* ва *L.thiesseae* моллюскаларининг эпизоотик мониторинги» деб номланган учинчи бобида 2010-2020 йиллар давомида *F.hepatica* нинг оралиқ хўжайини *Lymnaeidae* оиласига мансуб *L.thiesseae* моллюскасида *F.hepatica* личинкалик тараккиётида иштирок этиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган булиб, экологик, биоген ва антропоген омилларнинг таъсири ёритилган.

Самарқанд вилоятининг айрим туманларидаги биотопларидан йиғилган *Lymnaea truncatula* (2-расм) ва *L. thiesseae* (3-расм) турига мансуб моллюскаларни текшириш умумий қабул қилинган услублар бўйича олиб борилди. Биотоплардаги дала экинзорларини сугориш учун фойдаланиладиган ариқлар тажриба майдони сифатида ажратиб олинди ва ушбу махсус ажратилган тажриба майдонида пайдо бўладиган моллюскалар фасциола партенитлари билан зарарланиши даражасини урганиш мақсадида ҳафтанинг ҳар якшанба кунини терилди ва «Паразитология ва ветеринария ишини ташкил этиши» кафедрасига олиб келиниб, қошидаги «Зоопаразитология» лаборатория шароитида сақланди ҳамда ёриб кўриб текширилди.



2-расм. *Lymnaea truncatula*



3-расм. *Lymnaea thiesseae*

Моллюскалар лаборатория шароитида стаканларга 10 тадан жойлаштирилди ва устидан тоза сув қуйилиб, ўсимлик баргларида ташлаб қуйилди. Ушбу ўсимлик баргларида адолескарийларнинг мавжудлиги лупа ёрдамида текширилиб борилди. Нобуд бўлган моллюскалар организмидagi жигарларини буюм ойнаси устида эзилди, устидан икки-уч томчи тоза сув томизиб ишчи ҳолатга келтирилган микроскопнинг 8-объективи ва 7-окуляри ёрдамида текширилди. Моллюска жигаридан партенитлар топилмаганда ушбу стакандаги моллюскалар ҳар бири алоҳида стаканларга олиниб тажрибанинг 2, 3, 4 ва 5 кунлари ўсимлик баргларида адолескарийларнинг мавжудлиги текширилиб борилди. Улардан йиғиб олинган адолескарийлар виварийдаги ва

тажрибадаги ҳайвонларга едилди ва уларнинг патогенлилик хусусиятлари ўрганилиб борилди.

L.truncatula моллюскалари баъзи йилларда (2010; 2018; 2019) киш фаслининг охириги ойлари об-ҳаво илик бўлиши ёки баҳорнинг иссиқ келиши натижасида февраль ойининг иккинчи яримдан *L.truncatula* моллюскалари биотопларда пайдо бўлиб, улардан 950 нусхаси ушбу биотоплардан териб келинди ва ёриб текширилиб курилди. Ушбу текшириш натижаларидан маълум бўлишича, қишқи уйқудан уйғонган дастлабки моллюскаларда 15,9% да ёки 151 нусхасида спорацисталар мавжудлиги ва *F.hepatica* нинг бошқа партенитлари (редий, церкарий) учрамаслиги аниқланди.

L.truncatula моллюскаси устида кузатишларимиз март ойида олиб борилиб текширишларимиздан аниқ бўлишича, аксарият йилларни (2011) ҳисобга олмаганда *L.truncatula* моллюскаси тулик қилги уйқудан уйғониб фаол яшаш спаритига утар экан. Бизлар томонимиздан ушбу ойда текширилган 1880 нусха *L.truncatula* моллюскаларининг 317 нусхасида спорацисталар, 12 нусхасида редийлар топилган бўлиб, жами текширилган моллюскаларнинг 17,5% и зарарланган бўлса, шундан 96,4% да спорацисталар, қолган 3,6 % да редийлар топилди (4-жадвал).


4-жадвал

2010-2020 йилларда текширилган *Lymnaea truncatula* моллюскаларининг лаборатория текширув натижалари

№	Текширишлар олиб борилган ойлар	Жами текширилган моллюскалар сон	Жами зарарланган моллюскалар сони		Шу жумладан топилган партенитлар					
			сон	фоиз	спорациста		редий		церкарий	
					сон	фоиз	сон	фоиз	сон	фоиз
1	феврал	950	151	15,9	151	100,0				
2	март	1880	329	17,5	317	96,4	12	3,6		
3	апрел	2543	545	21,4	479	87,9	53	9,7	13	2,4
4	май	2224	650	29,2	488	75,1	110	16,9	52	8,0
5	июн	170	57	33,5	37	64,9	13	22,8	7	12,3
Жами:		7767	1732	22,3	1472	85,0	188	10,9	72	4,2

Апрель, май ва июн ойларида олиб борган тадқиқотларимизда фасциолёзнинг инвазион личинкалари (адолескарийлар) пайдо бўлиши кузатилиб, фасциола партенитлари билан зарарланган жами моллюскаларнинг апрель ойида 2,4% да, май ойида 8,0% да, июн ойида 12,3% да церкарийлар топилди. Ўз навбатида, редийлар апрель ойидан июн ойига қадар мос равишда 9,7; 16,9; 22,8% га қўпайиб бориши аниқланди (4-расм).

Ўзоқ йиллар давомида *L.thiesseeae* моллюскаларида олиб борган тадқиқотларимиз натижасини таҳлил қиладиган бўлсак, моллюскалар асосан (2010;2015;2018;2019 йиллар) март ойидан биотопларда пайдо бўлиб апрел, май ойларда ҳам лаборатория шароитида теширилганда улардан фасциолаларнинг ёш партенитлари спорацисталар топилмасдан фақат июн ойига келиб қатталиги 4-4,5 мм ли моллюскаларнинг 7,7% да спорацисталар топилди (5-жадвал).



4-расм. *Lymnaea truncatula* моллюскаларининг *F. hepatica* нинг спорадиста, редия, церкария парзентлари билан зарарланиш динамикаси

5-жадвал

Lymnaea thicseeae моллюскаларининг йил давомида лаборатория текширув натижалари

№	Текширилган ой	Жами текширилган моллюскалар сон	Жами зарарланган моллюскалар сон		Шу жумладан топилган парзентлар						
			сон	фонз	спорадиста		редия		церкария		
					сон	%	сон	%	сон	%	
1	Март	150									
2	Апрел	510									
3	Май	510									
4	Июн	545									
5	Июл	555	43	7,7	43	100,0					
6	Август	780	68	8,7	58	85,3	10	14,7			
7	Сентябр	1045	126	12,1	88	69,8	24	19,0	14	11,1	
8	Октябрь	600	80	13,3	40	50,0	16	20,0	15	17,5	
	Жами:	4695	317	6,8	237	72,2	51	15,8	29	8,8	


Август ойида жами текширилган моллюскаларнинг 8,7% и зарарланган булиб, шулардан 14,7 фоиз моллюскаларда редиялар топилган ва ушбу ойда моллюскаларда церкариялар умуман учрамаган булса, сентябрь ойида 12,1% да ва октябрь ойидаги жами моллюскаларнинг 13,3 % да зарарланиш кузатилган

resurs markazi

inv № 01-14 291

булиб, умумий зарарланган *L.thiesseae* моллюскаларинг 11,1 ва 17,5% да церкарийлар учраши аникланди.

L.thiesseae моллюскасида редия партенитлари сентябрь ва октябрь ойларида 19,0 ва 20,0% гача ўсиши кузатилди (5-расм).



5-расм. *Lymnaea thiesseae* моллюскаларда йил давомида спороциста, редия ва церкария партенитларини ривожланиши

Олиб борилган тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, фасциолёзни келтириб чиқарувчи тури *F.hepatica* ўчоқларидан келтирилган ва етилган партенитлар билан зарарланган *Lymnaea truncatula* ва *L.thiesseae* моллюскаларни ёриб кўрмасдан, уларнинг тириклигида бир неча кун ўсимлик барги ва поясидан солинган тоза сувли стаканларда сақлаш орқали аниқлаш мумкин. Бу соҳа мутахассиси учун қулай усул деб ўйлаймиз. Ўз вақтида аниқланган фасциолёз ўчоқларида хайвонларни боқиш, яйлов атрофидаги қўлмақлардан сув ичишни чеклаш орқали хайвонларни фасциолалар билан зарарланишининг олди олинади.

Диссертациянинг «Қорамоллар трематодозларининг профилактикаси ва даволашда антгельминтик препаратларининг самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида фасциолёзга қарши янги кимёвий препаратлар самарадорлиги келтирилган.

Бугунги кунда фасциолёзнинг ўткир кечишида 100% самара берадиган препарат мавжуд эмаслиги соҳа мутахассисларига маълум. Шунга қарамасдан, тадқиқотларимизда биз аралаш ва ўткир кечадиган фасциолёзга қарши юқори самара берадиган антгельминтикларни излаб топиш мақсадида препаратларни комплекс ҳолда, айримларини алоҳида синаб кўрдик.

Ушбу айтилган фикрларни эътиборга олган ҳолда бизлар тадқиқотларимизда қорамолларнинг жигар трематодозларига қарши броватриол, албенол-100 орал, *Levozal bolus*, бронтель, роленол каби антгельминтик препаратларидан фойдаландик.

Қорамоллардаги сурункали фасциолёзни даволашда броватриол таблеткасини 1/40 кг, *Levozal bolus* таблеткасини 1/150 кг ва албенол-100 орал препаратини 1,0 мл/10 кг миқдорда оғиз орқали ичириш, ўткир фасциолёзни даволашда эса бронтель 10% ли препаратини 1,0 мл/20 кг тери остига, роленол препаратини эса 1 мл/10 кг т.м. миқдорда мускул орасига қўллаб юқори самара беришлигини аниқладик.

Ушбу антгельминтик препаратлар «Бровафарма» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган бронтел 10% ва Испания давлатидан ишлаб чиқариладиган роленол препаратлари иктисодий жиҳатдан юқори самарага эга антгельминтик эканлиги тажрибаларда аниқланди. «Броватриол» ва «Албенол-100 орал» фақат вояга етган фасциолаларга таъсир этиши аниқланди. «*Levozal bolus*» препаратининг самарадорлиги эса нисбатан паст эканлиги қайд этилди.

Юқоридагиларни инobatта олиб шуни таъкидлаш жоизки, сурункали фасциолёзда вояга етган фасциолалар сонини гелминтоовоскопик текширишлар натижаларига қўра «Броватриол» ва «Албенол-100 орал» антгельминтик препаратларини таъсирини инobatта олиб қўллаш ва 2 ҳафтадан сўнг эса аралаш ва ўткир кечадиган фасциолёзга қарши юқори самара берадиган антгельминтиклар бронтел 10% ва роленол препаратлари йуриқномада курсатилган меъёр асосида қўллаш қорамоллар махсуддорлиги ва рентабеллигини ошириш имконини берди.

ХУЛОСАЛАР

1. Самарқанд вилояти ҳудудидаги турли ёшдаги қорамоллар орасида жигар трематодозлари *Fasciola hepatica*, *Fasciola gigantica*, *Dicrocoelium dendriticum*, цестодозлардан эса *Exinococcus granulosus (larva)* ни кенг тарқалганлиги аниқланди.

2. Турли биоценозлардаги қорамолларда фасциолёз, дикроцелиоз ва эхинококкозларни тарқалиши муҳитнинг абиотик, биотик ва антропоген омилларга бевосита боғлиқ бўлиб, сугориладиган биоценозларда қорамоллар трематодозлари 92,3 % ни, эхинококкоз эса 24,4% ни ташкил этди.

3. Вилоятнинг тоғолди-тоғ биоценозлардаги қорамолларда трематодоз ва эхинококкознинг эпизоотологик ҳолати йил мавсумларига қўра таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич баҳор ва ёз фаслларига (100%) туғри келди.

4. Турли биоценозлардаги (сугориладиган ва тоғолди-тоғ ҳудудлар) 447 бош қорамоллар тулик гелминтологик ёриш (ТГЁ) усули орқали текширилганда *Fasciola hepatica* билан 79,6%, *Fasciola gigantica* билан 60,6%, *Dicrocoelium dendriticum* билан эса 93,1% и *Exinococcus granulosus (larva)* билан 24,2% и зарарланганлиги аниқланди.

5. Тадкикотларимизда фасциолёзнинг оралик хужайини сифатида иштирок этувчи *Lymnaea truncatula* моллюскасидан ташқари, *Lymnaea thiessee* моллюскаси ҳам иштирок этиши илк бор аниқланди.

6. Таҷрибаларимиз натижасига кўра, сурункали фасциолёзни даволашда «Броватриол» ва «Албенол-100 орал», уткир фасциолёзда эса «Бронтел 10%» ва «Роленол» препаратларининг самарадорлиги юқори эканлиги қайд этилди.

7. Жигар трематодози билан эхинококкозининг паразитогенотик муносабатларида трематодоз доминант бўлса, эхинококк пуфакларини суст ривожланиши, аксинча ҳолатда трематодалар интенсивлигини паст ҳолатда бўлиши кузатилди.

8. Фасциолёз, дикроцелиоз ва эхинококкозга носоглом хужаликларда олиб берилган даволаш ва профилактик тадбирлар самарадорлиги юқори бўлиб, сарфланган бир сўмга олинган соф фойда 49,10 сўмини ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/30.12.2019.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

УРОКОВ КАМОЛИДДИН ХУДАЙБЕРДИЕВИЧ

**СМЕШАННОЕ ТЕЧЕНИЕ ФАСЦИОЛЁЗА И ДИКРОЦЕЛИОЗА
КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА С ЭХИНОКОККОЗОМ В
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ**

03.09.06 - Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Самарканд -2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.2.РФД/У9.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samvmi.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Диминов Асадулло Сувонович
доктор ветеринарных наук, профессор

Официальные оппоненты: Юлдашев Нурбек Эрганович
доктор ветеринарных наук, старший научный сотрудник
Авезлибатов Шавкат Досумбетович
кандидат ветеринарных наук, доцент

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт ветеринарии

Защита диссертация состоится « 11 » 02 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 по присуждению ученых степеней при Самаркандском институте ветеринарной медицины (Адрес: 140103, г. Самарканд, ул. М Улугбека, 77, Тел.: (99866) 234-76-86, e-mail samvmi@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института ветеринарной медицины (зарегистрирована за № 14239) (Адрес: 140103, г Самарканд, ул. М Улугбека, 77., Тел.: (99866) 234-76-86).

Автореферат диссертации разослан « 21 » 01 2022 года
(реестр протокола № 18 от « 21 » 01 2022 года)



Х.Б.Юнусов
Председатель научного совета по
присуждению учёной степени,
д.биол.н., профессор

Ш.Х.Курбанов
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёной степени,
к.вет.н., доцент

К.И.Норбоев
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёной степени, д.вет.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы. На сегодняшний день скотоводство считается одним из основных направлений животноводства. Однако одним из основных препятствий на пути развития этого направления, увеличения поголовья повышение продуктивности крупного рогатого скота, основной причиной является распространение среди них заразных, незаразных и инвазионных болезней. В частности вызывающие фасциолёз *Fasciola hepatica*, *Fasciola gigantica*, а со стороны *Exinococcus larva* возникающий эхинококкоз, имеющие в настоящее время важное эпизоотологическое и эпидемиологическое значение, наносят значительный экономический ущерб животноводческим хозяйствам, в результате снижения количества и качества мясных и молочных продуктов у животных, пораженных этими заболеваниями. «У каждой дойной коровы, пораженным фасциолёзом, наблюдается снижение надоя молока на 20-30%, выкидыши, снижения сопротивляемости другим заболеваниям и задержка прихода в охоту»¹. По данным Австралийского центра международного сельского хозяйства по охране здоровья животных (ACIAR) «В районах с высокой степенью встречаемости фасциолёза наблюдается до 30% экономического ущерба, который составляет 109 долларов для одного животного мужского пола и 80 долларов на корову»². В связи с этим одной из важных задач является разработка мер по борьбе с многими гельминтозными заболеваниями, представляющими угрозу для здоровья человека и резко снижающими продуктивность крупного рогатого скота.

Во всем мире проводятся многочисленные исследования по изучению эпизоотического состоянию инвазионных заболеваний сельскохозяйственных животных, изменений в организме животных, их клинических признаков, лечению и профилактике. В связи с этим, большое внимание уделяется проводимым исследованиям по ранней диагностике и профилактике распространенных гельминтозов крупного рогатого скота. Исходя из вышесказанных соображений, большое значение имеют распространение возбудителей гельминтозов среди крупного рогатого скота, их место в систематике, биоэкологические характеристики каждого заболевания и разработка системы научно-обоснованных мер.

За годы независимости в Республике уделялось достаточно внимания развитию животноводства. При этом очень важно поставлять безопасную, качественную а также экологически чистую мясную продукцию. По этой причине, особое внимание следует уделять исследованиям по распространению гельминтозов крупного рогатого скота, в различных биоэкологических условиях, современным методам лечения в профилактике заболевания, выявлению и профилактике новых промежуточных хозяев.

Данная диссертационная работа в определённой степени служит для

¹ Салимов Б.С., Дамиев А.С., Курбанов Ш.Х., Изагулаев З.Х. Киплок хужалик хайвонларнинг жотар трематодозлари, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари (тавсиянома) Тошкент, 2009. Б. 7.

² Beveridge R.B. *Besier Veterinary parasitology in Australia - A short history.* - Issues 3-4 Australia, 2013 -P. 218-222.

выполнения задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»³, УП-5696 от 28 марта 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы Государственного управления в сфере ветеринарии и животноводства» и Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-4254 от 28 марта 2019 года «Об организации деятельности Государственного комитета ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан» и ПП-4576 от 29 января 2020 года «О дополнительных мерах государственной поддержки животноводческой отрасли» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Был проведен ряд исследований по эпизоотологическому состоянию, течению трематодоза и цестодоза крупного рогатого скота, разработке мер их профилактики, лечению, борьбы с ними. В частности, из зарубежных ученых A.Batsch, P.Z.Beneden, R.Leuskart, R.L.Kotbal, К.И.Скрябин, А.М.Атаев, Р.Е.Сафиуллин, Э.И.Рехвиашвили, А.И.Ятусевич, Н.Т.Сорокина, П.С.Паллас и др., из узбекских учёных И.Х.Иргашев, Д.А.Азимов, Ш.А.Азимов, Б.С.Салимов, М.А.Аминжанов, А.О.Орипов, Ш.М.Рузиев, А.А.Нуруллаев, Э.Б.Шакарбоев, Ш.А.Джабборов, Ш.Д.Авезимбетов, А.С.Даминов, Н.Э.Юлдашов, Ш.М.Аминжанов, Ш.Х.Курбонов, М.Э.Гойипова и другие провели обширные исследования по изучению распространения гельминтов в фаунистических комплексах, паразитоценоотических отношений, экологии, видовому разнообразию, эпизоотологии гельминтозов крупного рогатого скота и развитию у него наиболее распространенных доминантных видов возбудителей.

Однако недостаточно проведено исследований по изучению широкого распространения фасциолёза, дикроцелиоза и эхинококкоза среди крупного рогатого скота в биоценозах Самаркандской области, причин их тяжелого течения и биоэкологического значения, паразитоценоотических взаимоотношений между патогенами, их профилактике. По этой причине, изучение смешанного протекания фасциолёза и дикроцелиоза крупного рогатого скота с эхинококкозом а также разработка мер борьбы с ними, является одной из важных задач на сегодняшний день.

Связь исследования с планом научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационные исследования выполнены в Самаркандском сельскохозяйственном институте (в данное время Самаркандского института

³ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

ветеринарной медицины), в рамках прикладного проекта №КХА-9-011-2015, по теме «Совершенствование методов диагностики, лечения и борьбы с кишечными цестодами крупного и мелкого рогатого скота в Узбекистане а также хозяйственных договоров» (2015-2017 гг.).

Целью исследования было выявление эпизоотологического состояния трематод печени (*Fasciola hepatica*, *Fasciola gigantica*, *Dicrocoelium dendriticum*) и их смешанного с эхинококкозом (*Exinococcus larvae*) течения, паразитоценотических отношений а также разработка мер профилактики против них в орошаемых предгорных и горных районах Самаркандской области.

Задачи исследования:

определение сезонной динамики экстенсивности и интенсивности фасциолёза, дикроцелиоза, эхинококкоза в паренхиматозных органах крупного рогатого скота в условиях Самаркандской области;

изучить паразитоценозное состояние, характерное для смешанных инвазионно-фасциолёзных, дикроцелиозных и эхинококкозных заболеваний, и определить среди них вид доминирующих возбудителей;

изучение биоэкологических факторов моллюсков рода *Lymnaea* влияющих на процессы развития *Fasciola hepatica*;

разработка мероприятий по профилактике и лечению фасциолёза, дикроцелиоза и эхинококкоза крупного рогатого скота.

Объектом исследования являются скотоводческие а также частные, вспомогательные и дехканские хозяйства в Самаркандской области, возбудители фасциолёза, дикроцелиоза и эхинококкоза крупного рогатого скота в них, моллюски обитающие в воде и на суше.

Предметом исследования служат пораженные фасциолёзом, дикроцелиозом и эхинококкозом органы: печень, легкие, собранные с этих органов фасциолы, дикроцелии, эхинококковые пузыри, пробы фекалий, адолескаррий, метацеркарий, антгельминтные препараты,.

Методы исследования. В исследовании использовались эпизоотологический, клинический, малокологический, морфологический, гельминтологический, патологоанатомический и статистические методы.

Научная новизна исследования:

впервые установлено, что в Самаркандской области трематодозы печени крупного рогатого скота протекают смешанно с эхинококкозом;

установлены эпизоотическое состояние и сезонная динамика возбудителей фасциолёза, дикроцелиоза и эхинококкоза у крупного рогатого скота, разного возраста;

впервые установлено участие моллюска *Lymnaea thiessee* в процессе развития *Fasciola hepatica*;

